

АБУ АЛИ ИБН СИНО - ҚОМУСИЙ ОЛИМ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Улуғ аллома, қадим Шарқда “Шайх ар - ʼл-Ғафӣр” сифатида шуҳрат қозонган Абу Али ибн Сино жаҳон илм -фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган қомусий олим эди. У тиб илмида юксак билим ва маҳоратга эришиш баробарида серқирра ʼқистеъдод соҳиби сифатида табиий ва аниқ фанлар, ? педагогика, фалсафа ва адабиёт, санъат назарияси билан ҳам жиддий шуғулланади.

ʼ Ўзбекистон Песпубликаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” стратегияси ʼ китобида улуғ аждодлар меросининг тарбиявий - маърифий аҳамияти алоҳида таъкидланган: “Янги Ўзбекистон тушунчасида мужассам бўлган халқ орзуси тарихий тараққиётнинг барча даврларида ■|миллатнинг етук вакиллари уни рўёбга чиқариш йўлида амалий ҳаракатларга ундаб келди. Бу асрий орзу халқимиз эришган Биринчи Ренессансга ва илк ўрта асрлардаги Маърифий уйғониш даврига асос бўлган, унинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилган десак, янглишмаган бўламиз. Аждодларимиз армони ўша даврда Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти, фаолияти, асарларида ўз талқинини топган адолат ʼва адолатпарварлик ғояларида мужассам бўлди”.¹

Муҳтарам Президентимиз томонидан улуғ олим Абу Али Ибн Синонинг Маърифий уйғониш даврининг етук намояндалари сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Олимнинг илмий таҳлиллари “Китоб аш - шифо” асарида тўлиқ ʼқелтирилган. У ўз тадқиқотларида турли усуллардан фойдаланган. Хусусан, “Китоб аш - шифо” тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда мантиқ, табиёт, риёзиёт, метафизика соҳалари кенг ўрганилган.

У 980 йилда Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилган. Отаси Бўлажак Абдуллоҳ, онаси Ситорабону ўз даврининг илғор фикрли кишилари бўлишган. олим 5 ёшга кирганида уларнинг оиласи Бухоро шаҳрида яшай бошлайди ва Абу Алини мактабга беришади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёзилишича, “10 ёшга етар - етмас Ибн Сино Куръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради.Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётини мукамал эгаллайди. Ибн Синонинг илм соҳасидаги биринчи устози Абу Абдуллоҳ

Нотилий эди. У эл орасида ҳақим ва файласуф сифатида машҳур бўлгани учун отаси Ибн Синони унга шогирдликка берди. Нотилийнинг қўлида олим мантиқ, ҳандаса ва фалакиётни ўрганди ва баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетади”².

Тиббиётда ва табиатда ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини, туб илдизларини ўрганиш, қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш ва унинг моҳиятини очиш қўплаб масалаларни ижобий ҳал қилишга замин яратади. Ибн Синонинг фалсафаси тарих, педагогика, мусиқа, инсоншунослик ва мантиқ билан уйғунлашиб кетган. Унинг асарларида диний ва дунёвий тафаккур биргаликда ўрганилади. Олимнинг фикрича, тиббий масалаларда ҳам инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат муҳим аҳамият касб этади. Зарурий билимларнинг барчасини Бухорода эгаллаган Ибн Сино 18 ёшида илмий тадқиқотларга жиддий қизиқа бошлайди. 1005 йилда Хоразмга келади, ўша даврнинг энг машҳур алломалари буюк математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ ва улуғ қомусий олим Абу Райҳон Беруний билан танишади.

Шарқшунос олим А.Ирисовнинг фикрича, “Абу Али Ибн Сино ўз давридаги илмлар таснифи масаласига ҳам жиддий эътибор билан қаради ва бу соҳада “Ақсом ал - улум ал - ақлий” (“Ақлий илмлар таснифи”) номли асар ёзди. Унда олим ақлий илмларни ҳикмат - фалсафа илмлари деб олиб, уларни назарий ва амалий қисмларга бўлди”.³

Буюк мутафаккирнинг “Уржуза фи- т - тибб” (“Тиббий уржуза”), “Ал - Адвият ал -

қалбия” (“Юрак дорилари”), “Китоб ал - куланж” (“Куланж ҳақидаги китоб”), “Мақола фи - н - набз” (“Томир уриши ҳақида мақола”), “Рисола фи тадбири - ал - мусофирун” (“Сафардагиларнинг тадбири ҳақида рисола”), “Рисола фи хифз - ас - сихҳа” (“Соғлиқни сақлаш ҳақида рисола”), “Рисола фи - л - фасд” (“Қон олиш ҳақида рисола”) сингари рисоалари дунё илм - фанининг бебаҳо дурдоналаридир. Айниқса “Тиб қонунлари”нинг жаҳон тиб илми тараққиётида тутган мавқеи ва қозонган шуҳрати бекиёсдир.”Қонунлар”да олим ўзигача бўлган ҳақимлар ва табиблар томонидан асрлар давомида тўпланган маълумотларни ўрганади, илмий



тахлил қилади, саралайди. Мутахассисларнинг фикрича, елка суягининг чиқишини оддий босиш билан даволаш усули ҳозиргача жаҳон тиббиётида “Авиценна усули” деб аталар экан. Шунингдек, “Умуртқанинг қийшайишини Ибн Сино ўзи ихтиро қилган ёғоч мослама ёрдамида тузатган. Бу усулни 15 асрда француз табиби Кало қайта кашф этган. Суякларни гипсдаш усули ҳам Ибн Сино томонидан кенг қўлланган, лекин у ҳам кейинчалик унутилиб, европалик табиблар томонидан 1852 йилда амалиётга янги ихтиро сифатида қайтарилган”⁴.

Абу Али ибн Сино амалга оширган кашфиётлар ўзининг илмий ва фалсафий моҳияти, даврлар синовига бардош берган тарихий - маърифий - ижтимоий аҳамияти билан улкан тамаддунни ифода этади. Унинг Хоразм Маъмун академиясидаги фаолияти, Абу Райҳон Беруний билан илмий мулоқотлари, ёзишмалари, уларда кўтарилган долзарб масалалар бугунги кунда ҳам қиммати йўқотмаган.

Серқирра истеъдод соҳиби сифатида у турли соҳаларда 450 дан ортиқ илмий, илмий- оммабоп, адабий - бадий, фалсафий асарлар яратган. Лекин уларнинг салмоқли қисми бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ҳозирча фанга маълум бўлган 240 га яқин асарларининг ўзиёқ Абу Али ибн Синонинг фавқуллоҳда ноёб тафаккур, заковат ва юксак салоҳият эгаси эканлигини билдиради. У инсон маънавий бойлигининг ўзаги яхшилик ва эзгулик, одамийлик ва дўстлик деб билган: “Инсонлар орасида сени яхши кўрувчилар бўлса, бу сенга ва сенинг яқинларингга яхшиликни истовчилар бўлади. Мабодо шундайлар топилиб қолса, у ҳолда бу илтифот мунтазам равишда чин кўнгилдан ҳамда беминнат бўлиши керак. Ҳақиқий дўст сенинг дўстингга дўст, душманингга душман бўлади. У дўстининг душманидан узоклашади, дўстининг дўстига яқинлашади. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Чунки бунинг акси бўлса, душманлик саналади”⁵.

Унинг тиббиёт ва фалсафа билан бир қаторда мусиқа илми ва назарияси, адабиёт ҳақидаги тадқиқотлари, илмий хулосалари жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган. У лирик, фалсафий шеърлар ижод этди, шеърининг кўп жанрларида - рубоий, достон, ғазал, қасида, китъа, фард каби турларида қалам тебратди. Унинг дунёда тан олинган шеърӣ асарлари асосан араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик кўплаб тилларга таржима қилинди. Олимнинг “Саломон ва Ибсол”, “Юсуф” каби насрий асарлари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. Ўрта асарлар шеър илми ҳақида муҳим маълумот берадиган “Шеър санъати” асари унинг нозиктаъб

адабиётшунос олим бўлганлигидан дарак беради.

Абу Али ибн Сино мусикани инсон маънавиятини шакллантирувчи омиллардан бири деб билган. “Китоб аш - шифо” рисоласининг мусиқа қисми олти бўлимдан иборат. Илм оламида бу бўлимнинг “Жавомеъ илм ул - мусиқӣ”, яъни, “Мусиқа илмига оид тўплам” деган номи ҳам бор. Бундан ташқари, улуғ мутафаккир ўзининг “Рисолаи ишқ”, “Китоб ан - нажот”, “Донишнома” рисолаларида, “Тиб қонунлари”да ҳам мусиканинг айрим масалалари ҳақида мулоҳаза юритган. Мусиқӣ товушларнинг инсон ҳиссиётига физиологик таъсири хусусида кейинчалик ҳам олимлар кўплаб изланишлар олиб бордилар, бу борада Абу Али ибн Синонинг “Мусиқа илмига оид тўплам” асари асосий манба вазифасини ўтамоқда. Олимнинг фикрича, “Инсон қалби ҳар бир янги ва кўнгилдагидек нағмадан ором олади, кейинчалик худди шу ёқимли нағма бирдан ғойиб бўлса, қалб ҳаяжонга тушади. Худди шу олдинги нағмага ўхшаган иккинчи нағманинг пайдо бўлиши билан қалбдаги ҳаяжон йўқола бошлайди. Демак, ёқимли нарсалардан роҳатланишнинг биринчи сабаби, йўқолган нарсадан қалб изтироб чекиб турган вақтда, ўша исталган товушнинг кўққисдан пайдо бўлишидир”⁶.

Яъни, улуғ аллома Абу Али ибн Сино мусиқа кайфиятини ўзгартирадиган ўзига хос шифобахш воситагина бўлиб қолмасдан, балки инсоннинг феъл - атворини, дунёқараши ва қизиқишларини ҳам ижобий томонга ўзгартириши мумкин, деб ҳисоблаган. “Тиб қонунлари”да ёзилишича, “Боланинг мижозини кучайтирмақ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири, болани аста - секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади”⁷. Шунингдек, мусиқа инсоннинг соғлом яшаши, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши учун ҳам ниҳоятда фойдалидир. У ҳам руҳни, ҳам жисмни тарбиялайди. Мусиқа беморликдан тузалишнинг, охир меҳнатдан кейин дам олишнинг, ички изтироблар, турмуш кийинчиликларини қисман

бўлсада унутишнинг, ҳаётни севиб яшашнинг энг сўғзал воситасидир.

Худди тиббиёт каби, қадим Шарқ мусиқа тарихини, унинг бадиий - эстетик ва тарбиявий 'Ягаъсир кучини ўрганишда Абу Али ибн Сино сарлари муҳим аҳамият касб этади. Юксак Аалоҳиятли олимнинг илм - фан, маданият ва Имаънавият соҳасида қилган кашфиётлари ҳкейинчалик Европада мазкур соҳаларнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

5 дунёкарашида катта ижобий ўзгаришлар содир

Кейинги йилларда ёшларимиз онги, бўлмоқда, уларнинг илмий - фалсафий, миллий - маърифий меросимизни, қадимий анъана ва урф - одатларни, бетакрор қадриятларни ўрганишга интилишлари кучайди. Ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида миллий ғурур, миллий ўзлик, ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда Абу Али ибн Сино каби жаҳон тан олган мутафаккир боболаримизнинг, қомусий олимларимизнинг меросларини янги инновацион ғоялар асосида ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш кун тартибидаги энг долзарб масалалардан биридир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент.: «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти. 2021.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1- китоб. Т.: "Фан" нашриёти. 1979.
3. Ибн Сино ҳикматлари. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент.: "Ўқитувчи" 995. нашриёти.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд., Тошкент.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" §Давлат илмий нашриёти. 2002.
5. Ирисов А. Абу Али ибн Сино. Тошкент.: "Фан". 1980.
6. Джумаев В.К. Хирургия Абу Али ибн Сино и её исторические истоки. Т.: "Фан". 1965.
7. Маждидов Н.М., Ҳалимова Ҳ.М., Маждидова Ё.Н. Абу Али ибн Сино неврологияси. 2002.
8. Sheralievna, Turdieva Kavsar. "Fine literature and medicine" science moduline in the medical direction of the study guides." Journal of Innovation, Creativity and Art (2023): 278-281.
9. Турдиева, Кавсар Шералиевна. "Актуальность и значение переводной детской литературы." Труды ГПНТБ СО РАН 1 (2022): 72-76.
10. Abduganiyevna, Akbarkhodzhaeva Feruza. "ISSUES OF TEACHING AND STUDYING MEDICAL TERMS IN MEDICAL UNIVERSITIES." EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) 8.3 (2023): 5-7.
11. Abduganiyevna, Akbarkhodzhaeva Feruza. "MEDICAL TERMINOLOGY IN THE TERMINOLOGY SYSTEM." EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 8.12 (2022): 89-91.
12. Akbarxodjayeva, Feruza. "ТИББИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ МУРАККАБ ТИЗИМ СИФАТИДА: ТИББИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ МУРАККАБ ТИЗИМ СИФАТИДА." Журнал иностранных языков и лингвистики 4.9 (2021).